



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 16 март, № 51 (4966)

Сешанба

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

15 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д. Тошмухамедова олиб борди. Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши таклиф этган кун тартибини тасдиқладилар.

Сийёсий партияларнинг 2009 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботлари билан мажлисда Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг раиси М. Тешабоев, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси Л. Фуломов, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси А. Турсунов, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг раиси И. Саидназаров сўзга чиқдилар.

Маърузачилар таъкидладиларки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловлари бўйича муҳим ижтимоий-сийёсий кампанияда фаол иштирок этишлари муносабати билан ўтган йил сийёсий партиялар учун алоҳида аҳамиятга эга бўлди. 2009 йил декабрь ва 2010 йил январь ойларида бўлиб ўтган кўп партиявийлик асосидаги эркин, демократик сайловлар натижасида янги чакирик Олий Мажлисининг профессионал Қонунчилик палатаси шакллантирилиб, унга мамлакатимиз барча сийёсий кучларининг вакиллари кирди. Депутатлар сони 120 нафардан 150 нафарга ошганилиги, парламент ишида Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари иштирок этиши янги таркибдаги қўйи палатанинг асосий хусусияти бўлиб, бу депутатлар корпусининг қонун ижодкорлиги салоҳиятини, мамлакатимизда ўтказилаётган кенг миқёсли ислохотларни ўз вақтида ҳуқуқий таъминлашга қаратилган, сифат жиҳатидан пухта қонунлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш имкониятини анча оширади.

Савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган батафсил муҳокама жараёнида барча сийёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар таъкидладиларки, ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини демократлаштириш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, миллий қонун ҳужжатлари нормаларига мувофиқ, сийёсий партиялар фаолиятини ўз вақтида ва тўла молиялаштириш масалаларига давлатимиз, шахсан Президентимиз Ислам Каримовнинг катта эътибори ва ғамхўрлиги тўғрисида барча даражалардаги ҳокимият вакиллик органлари сайловларига пухта тайёргарлик қилиш ва уларни муваффақиятли ўтказиш, мамлакатимиз ҳаётида сийёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш ва Ўзбекистон Республикасининг икки палатали профессионал парламентини собиққадамли билан муштахкамлаш мумкин бўлди.

Сўзга чиққанлар таъкидлаб ўтдиларки, сийёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловларда иштирок этишини молиялаштириш учун улар Қонунчилик палатаси депутатлигига қўрсатган номзодлар рўйхатга олинган номзодлар сонига мувофиқ ҳажмдаги давлат маблағлари партияларнинг ҳисоб-китоб ваъдасига ўз вақтида ва белгиланган тартибда ўтказилди. Маблағлар сийёсий партиялар томонидан сайловолди кўргазмали ташвиқот воситаларини нашр қилишга, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг телевидение, радио орқали ва бошқа оммавий ахборот воситаларида чиқишлари, сайловчилар билан учрашувларини, ишончли вакиллар ва бевосита сайлов округларида сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун жалб қилинадиган бошқа фаоллар ишини ташкил этишга, сайлов кампаниясини ўтказишга доир турли умумпартиявий тадбирларга сарфланди.

Мамлакатимизда қонунийлик, очиқлик, ошкоралик ва сийёсий партияларнинг тенг ҳуқуқлилиги сийёсий партияларни молиялаштиришининг асосий

принципларидир. Партиялар ўзининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотларнинг ўз аъзолари ва жамоатчилик учун очиқлигини таъминлайди, фаолиятини молиялаштириш ҳајми ва манбалари ҳақида оммавий ахборот воситаларида ўз вақтида ахборот эълон қилиб туриши шарт.

Мажлисда таъкидландики, Ўзбекистоннинг барча сийёсий партиялари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда молиявий ҳамда бухгалтерия ҳисоботларини тақдим этдилар. Улар молия органларига, давлат солиқ хизмати органларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлигига ҳисобот даврида олинган ҳамда сарфланган молиявий ва бошқа маблағлар тўғрисидаги молиявий ҳужжатларни топширдилар. Бунда сийёсий партия томонидан Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этиш учун сарфланган маблағлар алоҳида ҳисобга олинади. Сийёсий партиялар ҳисоботлари юзасидан уларнинг Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишини ва уставада назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун ҳисобот йилида партия ҳисоб-китоб ваъдасига келиб тушган ҳамда сарфланган давлат маблағлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлигининг ҳулосалари берилди.

Депутатлар ҳисобот ҳужжатларини кўриб чиқиш жараёнида сийёсий партияларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сийёсий ҳаётидаги роли кучайтирилиши, давлатимиз раҳбари томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг жорий йил январь ойида бўлиб ўтган қўшма мажлисида қўйилган вазифалар амалга оширилиши муносабати билан сийёсий партияларнинг молиявий интизомини муштахкамлашда парламент назоратининг алоҳида аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб ўтдилар.

Сийёсий партияларнинг моддий-молиявий, ташкилий ва кадрлар билан боғлиқ ҳамда бошқа ресурслари ўз дастурий мақсад ва вазифаларини амалда рўёбга чиқаришда катта аҳамиятга эга эканлиги сабабли улар очик-ойдин ва қонуний бўлиши, ҳар доим жамоатчилик назорати остида туриши фойда муҳимдир. Таъкидландики, кўп партиявийлик тизимининг ривожланиши, парламентда ва жамоатимизда сийёсий партиялар ўртасидаги рақобат кучайиши шариоитида бу масала депутатларнинг доимий эътиборини талаб қилади. Депутатлар партияларнинг молиявий маблағларидан самарали фойдаланиш, сайловчилар билан ишлашнинг замонавий усуллари молиялаштирилиши устидан икки партия назоратини кучайтириш ва амалиётда умум-этирфол этилган партиявий технологиялардан янада кенгрок фойдаланиш кераклиги ҳақида фикр билдирдилар. Айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган даврда сийёсий партияларга ажратилган бюджет маблағлари имкон қадар оқилона ва тежамкорлик билан ишлатилиши керак.

Сийёсий партияларнинг ҳисоботларини кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Адлия вазирлиги, Марказий сайлов комиссияси, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирокига ўтказилди.

Муҳокама пайтида депутатлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси сийёсий партияларнинг 2009 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини маълумот учун қабул қилди.

Қонунчилик палатаси ўз ваколатига кирадиган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси таркибига ўзгариш киритилди, Шаҳрисабз шаҳрининг чегараларини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

## ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЁРҚИН ИСТИҚБОЛИ



СУРАТДА: институт талабалари Азиза Миржалилова ҳамда Шаҳноза Шомағдиева машғулот пайтида.

“Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт!”  
Юртбошимиз томонидан Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб илгари сурилаётган ана шу ғоя асосида амалга оширилаётган ишлар улкан самаралар бермоқда.

2010 йил — Баркамол авлод йили

Жумладан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида мамлакат олий таълим тизими ўқув масканларининг моддий-техник базаси яхшиланаяпти, таълим ҳам сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда. Қувонарлиси, ана шу имконият, имтиёз ҳамда шароитдан унумли фойдаланган ёшларимиз бугунги кунга келиб барча жабҳаларда ўз иқтидорларини намоён этишаётди. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Ушбу ўқув даргоҳи республикамиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири — енгил ва тўқимачилик саноати тизимини малакали ва етук кадрлар билан таъминлаётди. Бу ерда 5 та факультет, 29 та кафедра мавжуд бўлиб, уларда 340 нафар юқори малакали профессор-ўқитувчи қизгин илмий-педагогик фаолият билан шуғулланмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Юртимизда тўю томошалар, умумхалқ байрамлари арафасида улкан бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкalamзорлаштириш ишлари халқимизнинг бирдамлиги тимсолига айланган ҳашар йўли билан бажарилди. “Ҳашарга!” дейилгани, ҳеч ким четда қолмайди: кексаю ёш бир тану бир жон бўлиб, ишга енг шимаради. Натижада маҳалла-қўй, турархўйлар саранжомланади, кўча ва йўللар, ариқлар тозаланади, теварак-атрофга ободонлаштирилади. Ана шундай эзгу кадрларимиз иштиқол йилларида Президентимиз ғамхўрлигида қайта тикланиб, мазмун-моҳияти жиҳатидан тобора бойиб бораётгани, айниқса, эътиборга сазовордир.

## УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ ЖАМИЯТИМИЗДАГИ ҲАМЖИҲАТЛИК, БАҒРИКЕНГЛИК ВА ЭЗГУЛИКНИНГ ЯҚҚОЛ ИФОДАСИ БЎЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 4 мартдаги фармойиши билан мамлакатимизда жорий йилнинг март — апрель ойлари “Ободонлаштириш ва кўкalamзорлаштириш ойликлари” деб эълон қилинди. Унинг доирасида эса 13-14 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашари ташкил этилди.

Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамғармасидан маълум қилишларича, умумхалқ хайрия ҳашари уюшқоқлик билан ўтказилди. Унда 17 миллионга яқин ҳамюртимиз иштирок этгани, уларнинг кучи билан 35 минг гектардан зиёд майдон ободонлаштирилгани, 25,6 минг километр масофадаги лоток ва ариқлар тозалангани, қарийб 7 минг 800 та зиёратгоҳ ва қабристон обод қилинган, 66,1 минг тонна маийиш чинкиди белгиланган жойларга чиқарилгани бунинг тасдиғидир.

Шу билан бирга, ҳашар кунлари йўл ва ариқ бўйларидан мавжуд 21 миллион тупдан зиёд дарaxтларга шакл берилиб, оқланди. Уларнинг ёнига эса салкам 11 миллион 500 минг туп манзарали, 7 милли-

он 428 минг туп мевали дарaxт қўчати, 2 миллион тупдан ортиқ тут ниҳоли, 13 миллион тупдан зиёд турфа гуллар экилди. Ҳашарчиларнинг ҳамжиҳатлиги, ғайрати туфайли Қорақалпоғистон Республикасининг шиқоқ ва овуллари янада чирой очди. Нуқус эса

### Кадрият

гуллар шахрига айланди. Негаки, бу шаҳар аҳолиси асосий эътиборни кўча ва йўллار атрофини кўкalamзорлаштиришга қаратишди. Натижада “Дўстлик” гузарини, “Халқлар дўстлиги”, “Амир Темури”, “Турон” кўчалари бўйларига ранго-ранг гул қўчатлари ўтказилган бўлса, Улуғбек, Ажиниёв ва “Аэропорт” хиёбонлари, Бердақ номидаги қорақалпоқ давлат мусикали театрига тўташ майдонлар ободонлаштирилди.

Анджонликлар эса умумхалқ хайрия ҳашарини меҳнат байрамига айлантириб юборишди. Бунда вилоят ёшлари фаол қатнашгани, айниқса, диққатга сазовордир. “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати агрофига

жипслашган 1 миллион нафардан ортиқ талаба-ёшлар ишни ўзлари таҳсил олаётган 5 та олий ўқув юрти ва касб-хўнар коллежлари ҳовлиси, унга тўташ майдонларни ободонлаштиришдан бошладилар. Пировардида 2908 гектар майдон бутунлай янгича қиёфа касб этди.

Маълумки, жорий йилда Анджон вилояти “Универсиада — 2010” спорт ўйинларига мезбонлик қилади. Ҳашар кунлари мусобақанинг асосий тадбирлари ўтказиладиган Анджон давлат университети ва Тиллар педагогика институти спорт заллари, шунингдек, “Баркамол авлод” ўйингоҳида катта ҳажмда таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Бухорода ҳашарга чиққан 635 минг 800 нафар кишининг кучи билан муқаддас қадамжолар янада ободлаштирилди. Баховуддин Нақшбанд, Абдухалиқ Гиждувоний, Чорбақир каби ўнлаб зиёратгоҳларда кўкalamзорлаштириш ишлари олиб боририлди. Умуман, ҳашар кунлари 835 та зиёратгоҳ ва қабристон тартибга келтирилди.

(Давоми 2-бетда).

### МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

ЧЕВАРЛАР УЧУН ТУХҒА

У ўзи раҳбарлик қилаётган “Моҳиғул” кичик корхонасига 33 миллион сўмлик замонавий тикув дастгоҳлари олиб келиб ўрнатди. Айни пайтда бу ерда ойига ўртача 15 миллион сўмлик бежирим “Элита” пардалари ҳамда диван ва стуллар учун филофлар тайёрланмоқда. Муҳими, корхона фаолияти кенгайиши ҳисобига бу ерда меҳнат қилаётганлар сони 40 нафарга етди.

Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

БОТАМ. “HAZORASP AGREGAT MASH” корхонасига янги қувватларни ўзлаштириш ҳисобига бу ерда тайёрланаётган бутловчи қисмлар тури 13 тага етди.

Бутловчи қисмлар ўзимизда тайёрланмоқда

Айтиш лозимки, бундан икки йил олдин ташкил этилган ушбу корхона, асосан, асалик автомобилсозларга эҳтиёт қисмлар етказиб бериш билан шуғулланади. 70 киши меҳнат қилаётган корхонада ойига ўртача 50 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрланмоқда.

О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ГУЛИСТОН ШАҲРИДА “Энг иқтидорли ёш истеъмолчи” республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

«Энг иқтидорли ёш истеъмолчи»

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси вилоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти билан ҳамкорликда ўтказган мазкур тадбирда касб-хўнар коллежлари ўқувчилари ўзларининг ҳуқуқ ва эркинликлари борасида қандай билимга эга эканликларини намоён этишди.

Танлов якунига кўра, Гулистон шаҳар 1-педагогика касб-хўнар коллежи ўқувчиси Ирода Туранова биринчи ўринга лойиқ кўрилди. Мирзаобод тумани ижтимоий-иқтисодий касб-хўнар коллежи ўқувчилари Ҳасан Довқаров ва Зафар Шералиев фахрли ўринларни эгалладилар.

Ш. ХОЛМУРДОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

## Роғун ГЭСи ва хавфсизликка таҳдид

АҚШлик олимни Роғун ГЭСи қурилиши туфайли юзага келиши мумкин бўлган хавфсизликка таҳдид масаласи ташвишга солмоқда.

АҚШ Миллий Мудофаа университетининг Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё стратегик тадқиқотлар маркази профессори Рожер Кангас Тожикистонда Роғун ГЭСи қурилиши муносабати билан ангайин безовталигини изҳор этди.

— Албатта, Тожикистон электр энергияси ишлаб чиқариш ва сотиш учун иншоотлар барпо этиш бўйича барча ҳуқуқларга эга, — деди эксперт. — Бирок сиз трансчегаравий ҳудудда ишлар экансиз, бу ма-

салалар ўзаро бама살алар ҳал этилиши лозим.

“Мени кўпроқ хавфсизлик масалалари, сейсмик ҳудудда қуриладиган тўғоннинг сифати ташвишлантирмоқда”, дея таъкидлади профессор Рожер Кангас.

У бунёд этилаётган йирик гидроэнергетика иншоотининг техник сифати борасида ўз шубҳалари билан ўртоқлашар экан,

### Хориждан назар

айтишим кўйин. Лекин замонавийроқ технологияларнинг қўлланилиши қўйи оқимдаги дарёларга таъсир кўрсатмайдиган сув омборлари тизимини яратиш имконини берган бўларди, деб ўйлайман”, дея таъкидлади у.

Америкалик олим “бу масалаларнинг ҳаммаси минтақа миқёсида ҳал этилиши лозим”лигига ҳам эътиборни қаратди.

“Шунингдек, гидротехник иншоотлар халқаро экспертизадан ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўларди”, дея таъкидлади АҚШ Миллий Мудофаа университетининг Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё стратегик тадқиқотлар маркази эксперти.

«Жаҳон» АА.



**24 соат ичида**

**ЖАҲОН**

Буюк Британиянинг Уэймут шаҳрида олиб борилган археологик қазишмалар чоғида қадимий қабр топилган.

**Тадқиқот давом эттирилади**

Хабарда айтилишича, бу жой эрамининг 890 — 1030 йилларида яшаган сакслар (Эльба дарёси бўйида кун кечирган немис қабиласи)га тегишли бўлган. Аммо бу яқини хулоса эмас. Шу боис топилма юзасидан изланишлар давом эттирилади.

**Электр автомобилларга кенг йўл**

Япониянинг бир қатор йирик автомобилсозлик компаниялари электр токи ёрдамида ҳаракатланадиган автомобилларни қувватлантириш станциялари куриш уюшмасини тузишга келишиб олишди.

Мазкур лойиҳа "Toyota Motor", "Nissan Motor", "Mitsubishi Motors" каби компаниялар ва "The Tokyo Electric Power" корхонаси томонидан қўллаб-қувватланган. Таъсисчиларнинг сўзларига қараганда, уюшма бутун дунёда ана шундай станциялар куриш билан шуғулланади. Бундан ташқари, бу тадбирга яна 160 га яқин маҳаллий ва хорижий компаниялар жалб этилади.

**Ноқулай об-ҳаво сабаб**

АҚШнинг бир неча штатида ёққан тинимсиз ёмғир ва кучли шамол туфайли электр таъминотида узилиш юзга келди.

Қарийб ярим миллион киши электр энергиясиз қолди. Баъзи ҳудудларда эса сув тошқинлари рўй берди. Транспорт тизими фаолиятида ҳам қийинчиликлар кузатилди. Масалан, Нью-Йорк аэропортида қўллаб йўналишлардаги парвозлар кечиктирилди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

**БУНЁДКОРЛИК — ФАРОВОНЛИК БЕЛГИСИ**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар самараси шаҳару қишлоқларимизда олиб борилаётган кенг қамровли қурилиш ва бунёдкорлик ишларида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Зеро, бугун юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, замонавий меъморлик ютуқларини ўзида мужассам этган қўллаб қошоналар, ижтимоий иншоотлар, барча қулайликларга эга мухташам тураржой биноларига кўзингиз тушади.

Таъкидлаш жоизки, Қашқадарё вилоятида ҳам бу борада салмоқли ишлар бажарилмоқда. Бунда, айниқса, турли қурилиш ташкилотлари, хусусан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси томонидан амалга оширилаётган ишлар алоҳида эътиборга моликдир.

— Юртимиздаги улкан бунёдкорлик ишларида бизнинг ҳам қамтарона ҳиссамиз борлигидан мамнунмиз, — дейди мазкур компания раҳбари М. Юсупов. — Зиммамизга юклатилган масъулиятли вазифаларни ўз вақтида, сифатли адо этиш фаолиятимиз мезонига айланган.

Компания буюртмаси асосида ўтган йили вилоятда салкам юз миллиард сўмлик қурилиш ва бунёдкорлик ишлари урдаланиши, 377 та иншоот фойдаланишга топширилиши белгиланган эди. Қувонарлиси, бу ишларнинг барчаси муваффақиятли бажарилди. Шулардан бири Қарши шаҳар касб-ҳунар коллежидир. Айни пайтда бу ерда банк иши, молия ва бухгалтерия хисоби йўналишлари бўйича 1335 нафар ўқувчи сабоқ олмақда. Ўқув масканида ёшларнинг билим олиши, касбий малакаларни ўзлаштириши, спорт билан шуғулланиши ва бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун барча шароитлар яратилган.

— Биз ўқувчиларимизга мана шундай кўркем, замонавий қулайликларга эга мухташам бинода билим бераётганимиздан фахрланамиз, — дейди коллеж директори ўринбосари Лола Шодиева. — Ёшларимиз ўзлари учун яратилган ана шу имкониятлардан унумли фойдаланиб, чуқур илм олишлари, келгусида юртимиз та-

**Ислохот**

раққиётига муносиб ҳисса қўшадиган етук мутахассис бўлиб етишишларига ишончимиз комил.

Ўтган йили, шунингдек, компаниянинг савий-ҳаракати билан мазкур билим даргоҳи қаторига яна 20 та касб-ҳунар коллежи қўшилди. Бундан ташқари, 300 ўринли тўртта ётоқхона куриб битказилди. Бу ишларни амалга ошириш учун 45 миллиард 767 миллион сўмликдан зиёд қурилиш-пардозлаш ишлари амалга оширилди.

Юртбошимиз раҳнамолигида ҳаётга татбиқ этил-

ган Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури, айтиш мумкинки, соҳада ислохотларни кенг татбиқ этишда дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Ўтган йили шу асосда ишлаб чиқилган вилоят манзилли дастурига кўра, ўн та янги мактаб қурилиши, 66 та мактаб капитал реконструкция қилиниши, яна шунчаси капитал таъмирдан чиқарилиши учун 40 миллиард 586,7 миллион сўм маблағ ажратилгани, белгиланган ишлар тўлиқ бажарилгани бунинг исботидир. Айни пайтда замонавий мактабларда келажакимиз эгалари бўлган ўғил-қизлар илм-фан сирларини пухта эгаллашмоқда.

Шу ўринда компаниянинг савий-ҳаракати билан вилоятдаги 68,3 километр узунликдаги йўллар таъмирдан чиқарилгани, бир қатор тураржой ва бошқа ижтимоий объектлар барпо этилгани ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Бундан ташқари, 2009 йилда вилоятда жамоа томонидан 20 та мактабда спорт заллари учун қўшимча бинолар барпо этилди. Жумладан, Чирочки туманининг Қорақия қишлоғида жойлашган 73-мактаб ўқувчилари бугун ана шундай иншоотда спортнинг ўнлаб турлари билан мунтазам шуғулланишмоқда.

Жорий йилда компания томонидан яна талайгина ишлар амалга оширилади. Бу эса ҳудуддаги шаҳару қишлоқларнинг бундан-да обод, аҳоли турмуши эса янада фаровон бўлишига хизмат қилади.

Х. ШАМШИЕВА. 1

**АВИЗ НУРДОШЛАР!**

**ЎАКАМИЗГА КИРИБ КЕЛАЁТГАН НАВРЎЗИ ОЛАМ МУБОРАК!**

*Барчангизга соғлиқ-омонлик, хонадонингизга файзу барака тилаймиз. Оилангизда хотиржамлик, аҳиллик барқарор бўлсин.*

*Юрт тинчлиги, халқимиз фаровонлигига фидокорона меҳнатимиз билан ҳисса қўшайлик.*

**«ҚАШҚАДАРЁ ПАХТАСАНОВАТ»**  
БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

**Продаются**

**КВАРТИРЫ** ОТ ЗАСТРОЙЩИКА

**НИЗКИЕ ЦЕНЫ!**

**Готовый БИЗНЕС**

- Мелькомбинат
- Рыбхоз
- Гостиница
- Магазин
- Ресторан
- Офисное здание

Гувоҳнома № 002999

**281-52-02, 709-08-77**     **281-52-02, 281-42-02**

**TIHE 5 YEARS**

UZBEKISTAN STOMATOLOGY

APTEKAEXPO

Beauty

15-ЮБИЛЕЙ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО

**СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ КЎРГАЗМАСИ**

www.tihe.uz · www.pharmacy.tihe.uz · www.stomatology.tihe.uz

**2010 14-17 АПРЕЛЬ** «Ўзэкспомарказ», Тошкент

Ташкилотчилар: ufi, ITE UZBEKISTAN

Иштирок этиш масалалари бўйича ташкилотчилар офисига мурожаат қилинг.

Тел.: +(998 71) 113 01 80, факс: +(998 71) 252 51 64, E-mail: post@ite-uzbekistan.uz

**SONATA** **Ўз йўлингни танла!**

**Drive your way**

Кафолат — 2 йил ёки 50 000 км.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

**HYUNDAI** Official Partner

www.hyundai.com.uz

Tel. (8-371) 250-11-11

**«INVEST KREDIT»**

**КРЕДИТ УЮШМАСИ ЖАМОАСИ**

Юртдошларимизни ҳамда мижозларини яшариш ва янгилашни айёми —

**Наврўзи олам**

билан самимий муборакбод этади.

*Барчага мустаҳкам соғлиқ, узоқ уйр, бахт-саодат, мамлакатимиз тараққиёти йўлидаги яратувчанлик меҳнатларида улкан зафарлар тилайди.*

**«INVEST KREDIT» кредит уюшмаси билан ҳамкорлигингиз — муваффақиятингиз кафолатидир.**

Манзил: Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 15-уй, 44-офис.  
Тел.: 252-75-69, 252-75-70, 252-25-22.  
Мўлжал: метронинг «Ойбек» бекати, «Иссиқликэлектрлойд» институти рўпарасида.

**WWW.INVESTKREDIT.UZ**

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

### АҲМАДЖОН — ОСИЁ ЧЕМПИОНИ!

Ўзбек бокс мактаби вакиллариининг жаҳон ва қитъа чемпионатларида қўлга киритаётган муваффақиятлари барчамизга гурур бағишламоқда.

Кунни кеча Эрон пойтахти Техронда яқунланган 1992 — 1993 йилларда тузилган ўсмирлар ўртасидаги Осие чемпионатида ҳам боксчиларимиз битта

олтин, 2 тадан кумуш ва бронза медалларини қўлга киритди.

Жумладан, 69 килограммгача бўлган вазнда юртимиз шарафини ҳимоя қил-

ган Тошкент вилояти вакили Аҳмад-жон Мамажонов барча рақибларини енгиб, Осие чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди. Шунингдек, Бургут Хожибоев (51 кг.), Ақромжон Мамажонов (64 кг.) кумуш, Сардорбек Беғалиев (81 кг.) ва Бобуржон Содиков (91 кг.) эса бронза медали билан тақдирландилар.

### МУРОСАСИЗ БАҲСЛАР, ҲАЯЖОНЛИ ЛАҲЗАЛАР

Ўтган дам олиш кунлари мамлакатимизнинг олтита шахрида футбол бўйича Ўзбекистон XIX миллий чемпионати байроғи кўтарилиб, биринчи тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида спорт, хусусан, футболни ривожлантиришга қаратилаётган юксак даражадаги эътибор амалда ўз самараларини бермоқда. Футбол клубларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, ёш истеъодларни излаб топиш, уларни тарбиялашга ихтисослашган мактаблар фаолиятини изчил йўлга қўйиш, стадионларни жаҳон андозалари талаблари даражасига етказиш каби кенг кўламли ислохотлар туфайли футболимиз мактеби тобора яхшиланиб бормоқда. Миллий чемпионатимиз ўйинларининг юксак савияда, қизиқarli ва муросасиз ўтиши боис жамоаларнинг халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этиш имконияти ҳам ошиб бормоқда.

Биринчи турнинг марказий учрашуви пойтахтимиздаги "Жар" стадионини амалдаги чемпион "Бунёдкор" ва кубок соҳибига "Пахтакор" жамоалари ўртасида кечди. Уни жорий йили футбол бўйича Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида ҳақамлик қиладиган юртдошимиз, ФИФА рефериси Равшан Эрматов бошқарди. Шунинг ўзиёқ Тошкент дербисининг аҳамияти нақадар юқори эканлигига яққол далилдир. Иккала жамоа ҳам, биринчи навбатда, ўз дарвозалари дахлсизлигини ўйлашди. Дастлабки 45 дақиқада хавфли вазиятлар кўп содир этилди. Уларнинг биринчиси "пахтакорчи"лар дарвозасининг ишгол этилиши билан яқунланди. 18-дақи-



қада Ўзбекистон чемпиони таркибида расмий дебютини ўтказган македониялик легионер Стевица Ристич тўпни қулай вазиятдаги Ривалдога ташлаб берди. Шундан тўпни қулай вазиятдаги Ривалдога ташлаб берди. Шундан тўпни қулай вазиятдаги Ривалдога ташлаб берди. Шундан тўпни қулай вазиятдаги Ривалдога ташлаб берди.

Ушбу турнинг яна бир қизиқarli учрашуви "Локомотив" ва "Нефтчи" жамоалари ўртасида кечди. Унда 3:1 ҳисобида мезбонлар зафар кучишди. Ўйиннинг иккинчи бўлимида майдонга тушган арманistonлик легионер Арам Восканян икки бор меҳмонлар дарвозасига тўп киритишга муваффақ бўлди.

Биринчи турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: "Насаф" — "Шўртан" 0:0, "Қизилқум" — "Металлург" 0:1, "Динамо" — "Хоразм" 1:1, "Навбахор" — "Машъал" 0:0, "Андижон" — "Олмалик" 3:2.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш керакки, миллий чемпионатимизнинг дастлабки турида стадионларга 73 минг нафардан ошдиқроқ ишқибоз ташриф буюрди. "Навбахор" — "Машъал" ўйинини эса энг кўп — 21 минг 541 нафар мухлис кузатди. Қўриниб турибдики, олий лига баҳсларига қизиқиш анча ортган.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## «НАВОЙИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ»

давлат корхонаси меҳнат жамоаси

кўп миллатли Ўзбекистон халқини умумхалқ байрами —

# НАВРҮЗ

билан муборакбод этади!

Табиятнинг қизғонлиги, борлиқнинг янгилиги барчамизга янги кўч, эзгу ниятлар ва яхшиликлар бахш этсин!

Барчага мустаҳкам соғлиқ, хонадонларига фаровонлик, қонажон ортимишнинг раванқли йўлидаги шижоатли меҳнатларида қилган муваффақиятлар ёр бўлишини тилаймиз!



Бепул тарқатамиз!  
Йил охиригача!

# БОНУС

## АКЦИЯ!



1000 дақиқа бепул сўзлашувлар

Ўзбекистон бўйлаб ЧЕКСИЗ SMS!

2000 дақиқа бепул сўзлашувлар

50% чегирма телефонга

Интернет 250 Мегабайт

Батафсил маълумотлар компания офисларида ва [www.cdma.uz](http://www.cdma.uz) сайтида. ISO 9001:2000

(8598) 305-1111



Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти

2010 — 2011 ўқув йили учун абитуриентларни ИНГЛИЗ ТИЛИ ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА таклиф қилади.



2009 йилда 98% тингловчиларимиз кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширдилар.

Қўшимча маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти 100185, Тошкент ш., Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳқўчаси, 28-уй.

Тел.: 271-77-01, 271-77-00.

Омадли келажакка биз билан эришинг!



Молиявий қалтисликлардан сугурта қилиш



Келажакнингиз ҳақида ALLIANCE INSURANCE билан қайғуринг

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Миробод к., 35-уй. Телефон: (8-371) 120-71-00. Факс: 120-70-01. [www.a-insurance.uz](http://www.a-insurance.uz) Хизматлар лицензияланган.

### ОБ-ҲАВО (16 март)



Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Тунда 7-12 даража илқ, кундузи 17-22 даража иссиқ бўлади. Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёгингарчилик қутилмайди. Ҳарорат кечаси 8-13 даража илқ, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади. Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қутилмайди. Тунда 8-13 даража илқ, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади. Тошкент вилояти. Ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 8-13 даража илқ, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қутилмайди. Тунда 11-16 даража илқ, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади. Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёгингарчилик қутилмайди. Тунда 7-12 даража илқ, кундузи 21-26 даража иссиқ бўлади. Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 11-13 даража илқ, кундузи 25-27 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Тошкент фармацевтика институти жамоаси Фармацевтлар малакасини ошириш факультети Фармация кафедрасининг доценти Ҳафиза Абдуллаевага турмуш ўртоғи Баҳром АБДУЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

### Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 203. 64025 нусхалда босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.



ISSN 2010-8788

Тахририятга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди. t -Тижорат материал

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов. Навбатчи — З. Ашурова. Мусоҳах — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 22.00 Топширилди — 22.40 1 2 3 4 5